

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ №1

Ургут тумани

«15 январ» 2022 йил

«HAQBERDI BOBO KELAJAGI» O/K, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Хурсанов.Н. номидан, бир томондан ва Ургут туман 1-сон шифохонаси, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Ж. Тухтамишев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (маҳсулотлар) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Гречка	кг	35	17000	595000
2	Крупа манная	Кг	25	8000	200000
3	Нухот ёрмаси	Кг	20	10000	200000
4	Ун	Кг	25	3200	80000
5	Шакар	Кг	30	10000	300000
6	Печение	Кг	30	18000	540000
7	Сариёғ	Кг	20	50000	1000000
8	Сгущённое молоко	Кг	20	30000	600000
9	Тухум	Дона	900	1300	1170000
10					
11					
12					
13					
14					
15					
16					
	Жами				4685000

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **4685000** (турт миллион олти юз саксон беш минг) сумни ташкил этади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Таъминотчи товарларни уз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан таъминланиши, бажарилиши юзасидан жавоб бериш: товар етказиб берувчи ва товар харид қилувчи бюджет ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ҳар ойда тақдим қилинадиган озик-овкат маҳсулотлари нархи асосида сотиш ва харид қилишга қелишилди.

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ қелиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда ярқис, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига

алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги хақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар хақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

- 5.2. Товарни тўлик топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар кийматининг 0,5 % микдоридан, тез бузиладиган товарлар буйича эса-10 % микдоридан жарима тўлайди.
- 5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нови лозим даражада булмаган товарлар кийматининг, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар кийматининг 20 % микдоридан жарима тўлайди.
- 5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлик тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % микдоридан, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортиқ булмаган микдорда пенна тулайди.
- 5.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % микдоридан пенна тулайди, бироқ бунда пеннанинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50% дан ошиқ кетмаслиги лозим.
- 5.7. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур шартнома 2022 йил «15» январ 2022 йил «31» декабр гача амал қилади.
- 6.2. Мазкур шартнома икки нусxada тузилиб, бир хил юридик қучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
- 7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

8. ФОРС – МАЖОР

- 8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган қуч, яъни фавқулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳуқуқат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

- 9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгатириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.
- 9.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.
- 9.3. Мазкур 4685000 сумлик, № 1– сонли шартнома «15» январ 2022 йилда 2 нусxada тузилган шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ургант тумани буйича газначилик бўлимида белгиланган тартибда рўйхатдан утказилгандан сунг қонуний қучга қиради

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотувчи»

«Сотиб олувчи»

«**HAQBERDI BOVO KELAJAGI**» О/К
Манзил: Ургант тумани
Жартена маҳалласи
х/в: 20208000105057121001
Банк номи Халқ банк Ургант фил.

Ургант тумани 1-сон шифохонаси
Манзил: Ургант тумани, Жартена маҳалласи
ш/х*100022860182367073101054005

бюджетдан маблаг олувчи
СТИРи 203161576
ОКОНХ 91511

МФО 00730 СТИР 306329272
ОКОНХ 711109

Молия Вазирлиги Ягона Газна ҳисоб варағи
Газга х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш. ХККМ
МФО 00014 ОКОНХ 97166
Газначилик бўлимида СТИРи 20122919
Бош врач: Ж. Тўхтамшиев
(лавозим)

Раҳбар:

(Ф.И.Ш.)
М.У.


(Ф.И.Ш.)
М.У.

Ҳуқуқшунос _____

Лицензия (диплом) № берилган санаси: _____